

## ЎЗБЕКИСТОНДА ХОР ДИРИЖЁРЛИГИ САНЬАТИ – ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ЎРНИ

**Маликов Алибек Абдуқаюм ўғли**

Мустақил изланувчи

Академик хонандалик ва опера тайёрлови кафедраси ўқитувчиси

**Калит сўзлар:** *Хор дирижёрлиги, санъат, таълим, жанр, консерватория, давр.*

**Ключевые слова:** *Хоровое дирижирование, искусство, образование, жанр, консерватория, эпоха.*

**Key words:** *Choral conducting, art, education, genre, conservatory, era.*

Ўзбекистонда дирижёрлик санъати XX асрнинг бошларидан шаклланиб, иккинчи ярмидан ҳам мазмунан, ҳам шаклан ривожланиб борди. XX асрнинг 50-80-йилларида ушбу санъатнинг кенг ривож олиши, унинг ҳар хил турларини ривожланишига олиб келди ва буни эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Янги санъат тури сифатида шаклланган дирижёрлик бадиий фактлар ва кузатишларга асосланган ҳолда, симфоник, сахна, ҳалқ чолғулари, хор жамоаси, дамли ва эстрада мусиқасида янада ривожланиб бормоқда. Анъанавий бадиий шакллар, услублар, айрим тасвирий воситалар ёрдамида, тўғрироғи мусиқа санъатига хос бўлган хусусиятлар сақланган ҳолда ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини аниқ, реалистик акс эттирган янги бадиий асарлар яратиш давом этиб келаётгани, дирижёрлик санъатини янада ривожланишига сабаб бўлмоқда. “Дирижёрлик санъати бадиий ижоднинг замонавий табиати, янгича хусусиятлари, янги шароит, янги давр ва ҳаёт талаблари, вазифалари ҳамда бадиий муҳит билан ҳар томонлама узвий боғлангандир<sup>1</sup>

Ўзбекистон санъат соҳасига профессионал хор дирижёрлиги таълими 1943 йил Тошкент консерваторияси мусиқий – педагогика факультетининг қайта ташкил этилишидан сўнг кириб келди. Хор санъатининг барча йўналишлари профессионал даражада бўлишининг асосий вазифаси: таълим, ижрочилик, ижоднинг мукаммал ташкил этилишида эди.

Тошкент консерваториясида М.Н.Семенов бошқарувида Хор дирижёрлиги факультети ўз фаолиятини бошлайди. М.Н.Семенов – истеъдодли ташкилотчи, кенг қамровли, истеъдодли ижрочи – композитор, назариячи, вокал ўқитувчisi, хормейстер. Айни шу йиллар оғир қийинчиликлар даврида ўзининг беминнат

<sup>1</sup> Toshmatov.E. Dirijorlik. - T. : O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2008. 35-bet

хизматлари билан Ленинград консерваторияси профессори А.Егоров Ўзбекистонда хор санъати ҳамда Хор дирижёрлиги таълим мининг ривожланишига амалий ёрдамини кўрсатади. Улар энг аввало хор кўп овозлилик муаммоларини, қайта ишланган халқ куйлари билан ўзаро боғлаб, илмий жиҳатдан ёндашган. Изланишлар давомида миллий ижрочилик ҳамда маҳсус хор фанлари дарсларининг ҳажми ва мазмунини бойитишда хизматлари беқиёс ўрин тутади.

1944 йили “Хор дирижёрлиги” маҳсус мутахассислик бўйича биринчи битиравчилари Л.Шамшин хормейтер мутахассислиги бўйича йўлланма орқали Я.М.Свердлов номидаги Тошкент рус опера театрида (1918 йил ташкил этилган), ҳамда А.Павлинова консерваторияда ўқитувчи сифатида ўз фаолиятларини бошлайдилар. Айнан шу йиллар Хор дирижёрлиги мутахассислиги кафедраси таркиби қисқа ҳажмни ташкил этарди. Таклиф этилган М.Н.Семеновдан ташқари В.Веселова (дирижёрлик, маърузавий фанлар, хор адабиёти, болалар мусиқий таълими методикаси), З.Иевская (якка хонандалик), А.Павлинова (дирижёрлик, хор партияларини ўқиши), опера ва балет театри бош хормайстери Н.Приселков (дирижёрлик), Ленинград консерваторияси битиравчиси В.И.Князятов (хор синфи, дирижёрлик, аранжировка) каби мутахассислар таркибидан ташкил топган эди. Кейинчалик опера театри хормайстери Л.Шамшин ҳам кафедрада фаолият юритиши учун таклиф қилинади.

Е.Кензер 1945 йил консерваторияни яқунлаб, 1950 йил икки мутахассислик эгаси И.Кальницкая Ленинграддан, 1953 йил – С.Валенков, А.Васильева, Е.Гудкова, Э.Мелик – Карамянлар таклиф этиладилар. Кейинчалик П.Левандо (Ленинград консерваторияси битиравчиси), Т.Топунова (Москва консерваторияси битиравчиси), Н.Омелянская, Е.Нечаев, И.Твердохлебова, В.Будников, Э.Белова И.Шарапова (1960 – йиллар) ва бошқалар ҳам фаолиятларини олиб боришади.

1944 йил ташкил этилган фаолиятини бошлаган Хор дирижёрлиги кафедраси 1950 йиллардан ҳозирги кунга қадар Республика мизда ўзларининг профессионал жамоалари ҳамда малакали ўқитувчи кадрлар билан таъминлаб самарали фаолият юритмоқда. Бунинг исботи сифатида шуни айтишимиз мумкин, Ўзбекистондаги барча профессионал хор жамоалари, ҳаваскор хор жамоалари, мусиқий болалар жамоалариниг раҳбарлари консерваториямиз битиравчилари. Улар нафақат Республика миз худудида балки, чет давлатларда ҳам ўзларининг самаралари меҳнат фаолиятларини олиб бормоқдалар.

Кейинчалик 1955 йилдан 1976 йиллар давомида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор В.И.Князятов кафедра фаолиятига

раҳбарлик қиласи. Истеъодли педагог – хормейстер, жамоат фаоли, 30 йилдан ошик умрини Республикаизда хор санъатининг юксалишига ҳиссасини қўшган жон куяри<sup>1</sup>.

1959 – 1960 ўкув йилида кафедра таркиби бир қанча машхур хормейстерлар фаолият бошлайдилар. Булар – Р.Е.Хубларов, В.Ф.Кальтман, А.Ф.Вынежнев, М.Б.Полонский, Л.Т.Нисенбаум.

Ўз фаолияти давомида Валентин Иванович Князятов – мохир раҳбар, ташкилотчи сифати, кафедранинг ижодий ҳаёти дастлаб мохир, машхур хормайтерларни жалб қиласи. Валентин Иванович Князятов бу билан чекланиб қолмай, истиқболи ёшларга ҳам имконият берадилар. Кафедрада ўқиш давомида ўз истеъодини намоён этган талабалар кейинчалик кафедрада ўз фаолиятларини бошлайди. Булар: Б.Умеджанов, Н.Казиев, М.Азимов, С.Шодманов, Ш.Рузиев, С.Махмудова, Н.Бахретдинова, А.Хакимова, Л.Джумаева, Н.Шарафиева, Б.Шомахмудовалар. Валентин Иванович Князятов раҳбарлик даврида ўқитувчилар таркиби ортади. 1957 йил факультет таркибида кечки ўкув жараёни ташкил этилади. 1960 йил опера – хор – хор ижрочилари учун махсус йўналиш ташкил этилади. 1968 йил Маданий ҳодимлар учун алоҳида йўналиш ташкил этилади. Ўкув жарёнини ташкиллаштириш ҳамда мукаммаллаштиришдан ташқари кафедра ҳодимлари ўкув жараёни билан боғлиқ илмий тадқиқотлар олиб боришади. Айни шу йиллар хор тўпламлари, дастурлар, тавсиявий рўйхатлар, махсус фанлар бўйича услубий ишланмалар яратилиб, ўкув жараёнига тадбиқ этилади.

Ўрта осиё ҳалқ куйлари жумладан Қозогистон ҳалқ куйларини аралаш хор учун қайта ишлаш, кафедранинг асосий ижодий фаолияти турларидан биридир. Қайта ишланган “a’capella”ларни ўкув жараёнига татбиқ этишдан асосий мақсад, миллий хор санъатини жадал ривожлантириш ҳамда бўлажак хормайтерларнинг концерт дастурини бойитиши.

Кафедранинг жонкуяр М.Семенов, В.Князятов, С.Валенков, Н.Приселков, Л.Шамшин, А.Вынежнев каби фидоийлар ташаббускорлиги туфайли Ўзбекистонда хор ижрочилиги мувафақиятли ривожланди.

Уларнинг ижрочилик фаолияти Республикаизда кўп овозлилик ҳамда миллий санъатимиизда кўп овозлилик ривожланди.

<sup>1</sup> В.И.Князятов (1904-1978) – Ленинград консерваторияси битиравчisi, А.Егорова шогирди.

1945 – йилдан Тошкент консерваторияси ўқитувчisi

1955 – йилдан Кайедра мудири

Бир вақтнинг ўзида тўрли йиллар оралиғида – декан, ўкув ишлари бўйича, илмий ишлар бўйича проректор лавозимида ҳам фаолият юритган